


ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ



ТАШТЕМИРОВА НАДИРА НЕМАТИЛЛАЕВНА

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АТМОСФЕРАДА  
ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ  
МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ВА ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**ТАШТЕМИРОВА НАДИРА НЕМАТИЛЛАЕВНА**

**ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АТМОСФЕРАДА**  
**ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ**  
**МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ВА ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Равшанов Нормаммад  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** Кабулов Анвар Восилевич  
техника фанлари доктори, профессор  
Джуманов Жамолжон Худойкулович  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «17» сентябр соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz) Тошкент ахборот технологиялари университети).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4587 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «13» сентябр куни тарқатилди.  
(2019 йил «18» август даги 14 рақамли реестр баённомаси)



**Р.Х.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**А.М.Полатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис муовини ф.-м.ф.д., профессор



Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда саноат объектлари ва транспорт тизимидан ташланаётган захарли моддаларнинг кўчиши ва диффузия жараёнлари билан боғлиқ математик моделлар, самарали сонли алгоритмлар ва дастурий мажмуалар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, Германия, Буюк Британия, Финляндия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда саноат ҳудудлари атмосферасини ифлосланишини мониторинг ва башоратлаш тизимларининг математик модели ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда атмосферада захарли моддаларни тарқалиш жараёнининг математик моделларини яратиш, ҳавони ифлословчиларни концентрация миқдорини аниқловчи ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминот тизимини ишлаб чиқиш, аэрозол заррачаларни кўчиши ва диффузия жараёнини тадқиқот қилиш учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишга бағишланган илмий тадқиқотлар олий ўқув муассасалари ва етакчи илмий-тадқиқот марказларида олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан зарарли моддаларнинг атмосфера чегаравий қатламида тарқалиши жараёнига таъсир этувчи табиий-иклимий омилларни ҳисобга олувчи математик моделлар яратиш, объектларни экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда жойлашувини аниқлаб берувчи дастурлар мажмуаси ишлаб чиқиш, жараён динамикасини зарарли моддаларнинг рухсат этилган юқори концентрациялари нуктаи назаридан визуаллаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда саноат тармоқларининг жадал ривожланиши билан бир қаторда, саноат ҳудудларидаги мавжуд экологик ҳолатнинг бузилиш эҳтимоли бўлган ва корхоналар томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган захарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлашга оид математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб асосий параметрларни ҳисоблаш жараёнларини баҳолаш, ҳамда автоматлаштирилган дастурий таъминотларни яратиш бўйича кенг қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... экологик мувозанатни сақлаш ва барқарор ривожланишда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш, ... муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари сифатини таъминлаш ва антропоген таъсирдан муҳофаза қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда лойиҳалаш жараёни учун тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда атмосферада захарли моддаларни тарқалишини башорат қилувчи математик моделлар, сонли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

моделлари, самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва замонавий ахборот технологиялари асосида автоматлаштирилган тизимлар яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот –коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ва 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида низоми»га доир қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнги йилларда илмий нашрларда математик моделлаштириш ёрдамида ҳал қилинган долзарб муаммолар рўйхатида экологик муаммолар алоҳида ўрни тутиши кузатилмоқда. Атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ бўлган атмосферада захарли моддаларнинг тарқалиши жараёнларини математик моделлаштириш услубиятини яратиш, муайян жараённи акс эттирувчи моделни қуриш ва жараён параметрларини динамикасини ўрганишнинг сонли тажриба усулларини тадқиқ этиш, такомиллаштириш масалалари Г.И.Марчук, В.В.Пененко, А.Е.Алоян, Л.Т.Матвеев, В.П.Дымников И.Э.Наац, Э.А.Закарин, И.А.Кибел, W.J.Layton, J.H.Ferziger, J.W.Deardorff, M.Germano, U.Piomelli, T.Iversen., T.E.Nordeng, R.Lange, M.Pekar, М.Е.Берлянд, Е.Л.Генихович, Р.И.Оникул, Н.Л.Бызова, Ю.А.Анохина, Л.Н.Гутман ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида атмосферада захарли моддаларни тарқалиш жараёнини башорат ва мониторинг қилишни математик моделлари ва ҳисоблаш усуллари билан Ф.Б.Абуталиев, С.Каримбердиева, А.Х.Бегматов, Н.Равшанов, М. Л.Арушанов шоғирдлари ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган.

Сохага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда ҳамда атмосферанинг чегара қатламида захарли моддалар тарқалиши ва диффузия жараёнлари ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент ахборот технологиялари



университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЕА7-001 «Саноат минтақаларининг экологик ҳолатини прогноза ва мониторинг қилиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситани яратиш» (2014-2015), А-5-12 «Саноат минтақаларининг экологик ҳолатини башоратлаш ва мониторинги учун математик таъминотини яратиш» (2015-2017), БВ-Атех-2018-9 «Атмосфера ва сув ресурсларини техноген омилларида ҳимоя қилиш масалаларини ечиш учун моделлар, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар яратиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат ҳудудларининг экологик ҳолатини кузатиш ва башорат қилиш учун мос математик моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

саноат ҳудудларининг атмосферасини экологик ҳолатини кузатиш ва башорат қилиш учун ахборот моделини яратиш, ҳавони ифлословчиларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва асосий иқлим омилларида саноат ҳудудларини экологик ҳолатига таъсирини тадқиқот қилиш;

атмосферанинг чегара қатламида заҳарли аэрозол зарраларини тарқалиш жараёнини мониторинг ва тадқиқ қилиши учун математик моделини ишлаб чиқиш;

тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда атмосферадаги майда зарраларни кўчиши ва диффузия жараёнини башорат этилишини математик моделлаштириш;

атмосферадаги аэрозол чиқиндиларни тарқалиши ва диффузияси масаласининг ечимни мавжудлиги ва ягоналагини текшириш;

атмосферадаги заҳарли аэрозол заррачаларнинг тарқалиш масаласини ечишнинг сонли алгоритмлар ва ЭҲМда ҳисоблаш тажрибалар ўтказиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида саноат объектларидан ва ифлосланишнинг бошқа манбаларидан чиқаётган заҳарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузия жараёни қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютерларда сонли тажрибалар ўтказиш учун дастурий мажмуалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари ўтказиш технологиялари ҳамда дастурий тизимни ишлаб чиқишда дастурлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат: атмосферанинг чегара қатламида заҳарли аэрозол зарраларини тарқалиш жараёнини мониторинг ва тадқиқ қилиш учун гидромеханиканинг асосий қонунлари асосида математик модел ишлаб чиқилган;

атмосферадаги майда зарраларни кўчиш ва диффузия жараёнининг башорат этилиши учун математик модели тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

атмосферада аэрозол зарраларни диффузияси ва кўчиш масаласи ечимининг сонли консерватив усули ишлаб чиқилган;

атмосферада аэрозол зарраларни тарқалиш жараёнини ифодаловчи математик модели асосида масалаларини ечишнинг сонли алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари саноат минтақасининг ер усти ҳаво қатлами экологик ҳолатини кузатиш ва башоратлашга қаратилган бўлиб, санитария меъёрларини ҳисобга олган ҳолда янги саноат ва фуқаролик объектларини мақбул лойиҳалаш усули ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларини амалга оширишдан кутилган ижтимоий ва иқтисодий самара ҳудуднинг экологик ҳолатини башорат қилиш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари экологик вазиятни башорат қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни ўз вақтида хабардор қилиш алгоритм ва дастурий воситалари яратилган;

тадқиқот натижалари Оҳангарон водийсидаги аҳоли учун янги қурилган ишлаб чиқариш объектларни мақбул жойлаштириш натижасида атмосферада захарли моддалар концентрациясини назорат қилиш дастурий воситалари яратилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги захарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши тенграмаси ва унинг чегаравий шартлари масса сақланиш қонунига қатъий риоя қилиб шакллантирилгани билан асосланганлиги, сонли усуллардан фойдаланилганида аппроксимация аниқлиги ва ҳисоблаш жараёнининг яқинлашиш шартлари етарли даражада таъминланганлиги, олинган натижалар физика қонунларига зид эмаслиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти об-ҳавонинг ўзгариши, тупроқ эрозияси, шамолнинг тезликлари, ер орографияси, турбулентлик коэффицентини ҳисобга олган ҳолда атмосферага ташланган захарли моддаларнинг саноат ҳудудларда тарқалишини мониторинг ва башорат этилиши учун математик моделлар ва сонли алгоритмлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тақлиф қилинган дастурий – алгоритмик таъминотдан фойдаланиб, саноат объекти ва ер сатҳидан атмосферага ташланган захарли модда ва газларнинг тарқалиши ва концентрациясини ўзгаришини мониторинг қилиш, башоратлаш ва тўғри қарорлани қабул қилиш учун фойдаланиш мумқунлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Атмосферада захарли моддаларнинг тарқалиши бўйича яратилган моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:



саноат ҳудудларининг экологик ҳолатини кузатиш ва программалаштириш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминот тизимлари Жиззах ва Самарқанд вилоятлари табиатларини муҳофаза қилиш кўмиталарида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 33-8/9061-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02-02/8-159-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари саноатли ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан аниқлаш ва оғохлантириш ҳисобидан 10-12% иқтисодий самарадорликка эришилган;

атмосферанинг ер устки қатламининг саноат ҳудудларидаги экологик ҳолатини кузатиш ва башоратлаш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминот тизимлари Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳузуридаги экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институтида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 33-8/9061-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02-02/8-159-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари саноатли ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан аниқлаш ва оғохлантириш ҳисобидан 11-13% иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

шамол тезлиги ва йўналишини, захарли моддалар концентрациясининг максимал рухсат берилган нормаларини ва ҳудудий орографияни ҳисобга олган ҳолда саноат объектлари яқинидаги ҳудудларнинг экологик ҳолатини баҳолаш учун дастурий махсулотларни Тошкент вилоятида табиатни муҳофаза қилиш бўйича Ангрен, Олмалик, Чирчиқ табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари томонидан жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 33-8/9061-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02-02/8-159-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари бўйича Оҳангарон водийсида яшайдиган аҳолисига саноат корхоналарининг таъсири ва янги қуриладиган корхоналарни оптимал жойлаштириш ҳисобидан, экологик таъсирини 10-12% га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган,

ЭХМ учун яратилган 3 та дастурий таъминотларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат ҳудудларининг атмосферасини экологик ҳолатини ва уларнинг потенциал манбаларини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун ахборот модели**» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат.

Биринчи параграфда саноат ҳудудларининг ҳаво ҳавзаларининг ифлосланишининг потенциал манбалари кўриб чиқилган. Ишлаб чиқариш ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналари жойлашган деярли ҳар бир саноат ҳудудида майда дисперс аэрозол зарраларининг концентрациясини ўсиши кузатилади. Саноат ҳудудларидан атроф-муҳитга аэрозол, майда дисперс захарли чикиндилар чиқарувчи асосий манбалар келтирилган.

Иккинчи параграфда ҳаво, атмосферанинг чегара қатлами, сув ва тупроқни ифлослантирувчи асосий захарли моддалар келтирилган. Уларнинг тавсифлари, физик-кимёвий хусусиятлари, атмосфера ифлосланишининг нормативлари кўриб чиқилган.

Учинчи параграфда саноат ҳудудларининг экологик ҳолатини ўрганиш, башоратлаш ва қарорлар қабул қилиш учун ахборот ва ахборот технологияларини яратишнинг асосий элементлари ва босқичлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Атмосферада захарли моддаларни тарқалиш жараёнини моделлаштириш**» деб номланувчи иккинчи боби бешта параграфдан иборат. Атмосферада захарли аэрозол зарраларининг тарқалиш жараёни муаммоси ҳолатини математик моделлаштириш ва уни ечиш йўллари батафсил таҳлил қилинган ва конструктив тизимли методология яратилди.

Тадқиқот объектларига мос келувчи математик моделни ишлаб чиқиш учун қаралаётган бутун жараёнга сезиларли таъсир этувчи асосий параметрлар ва уларнинг ўзгариш оралигини аниқлаш зарур. Ўтказилган тадқиқот давомида шу нарса маълум бўлдики, атмосферанинг чегара қатламида захарли чикиндиларни тарқалиш жараёнига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири – бу вертикал ва горизонтал шамол тезликлари, ер юзасининг гадир-будурлигига боғлиқ бўлган турбулентлик коэффициенти,



худуд орографияси, кун давомида шамол йўналишининг ўзгариши, хавонинг нисбий намлиги ва бошқа иқлим омиллари.

Атмосферанинг ер усти қатлами ва тупрок юзасининг экологик ҳолатини ўрганиш, мониторинг қилиш ва башоратлаш учун аэрозол зарраларини тарқалиши ва диффузия жараёнини муҳим параметр – майда дисперс зарраларни чўкиш тезлиги  $w_g$  ни ҳисобга олган ҳолда қараб чиқамиз, бунда математик модел гидромеханика қонунига асосан кўп ўлчовли хусусий ҳосилалар дифференциал тенглама ёрдамида тасвирланади

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} + u \frac{\partial \theta}{\partial x} + (w - w_g) \frac{\partial \theta}{\partial z} + \sigma \theta = \mu \frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left( k \frac{\partial \theta}{\partial z} \right) + \delta(x, z) Q; \quad (1)$$

ва унга мос бошланғич ва чегаравий шартлар:

$$\theta(x, z, t) \Big|_{t=0} = \theta_0(x, z); \quad (2)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = \gamma(\theta_a - \theta); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \gamma(\theta_a - \theta); \quad (3)$$

$$-k \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta \theta); \quad k \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=H_z} = \gamma(\theta_a - \theta), \quad (4)$$

$D = (0 < x < L_x, 0 < z < H_z, t > 0)$  соҳада ечилади.

Бунда  $\theta$  - тарқалаётган модда концентрацияси миқдори,  $t$  - вақт,  $x, z$  - координаталар,  $u, w$  - мос равишда  $x, z$  бўйича шамол тезликларини ташкил этувчилари,  $w_g$  - зарранинг чўкиш тезлиги,  $k$  - турбулентлик коэффициенти,  $\mu$  - диффузия коэффициенти,  $\sigma$  - ютилиш коэффициенти,  $\gamma$  - ўлчовсиз параметр,  $\beta$  - ер устки қатлами билан ўзаро таъсир қилувчи коэффициент,  $\delta(x, z)$  - Дирак функцияси,  $Q(x, z, t)$  - манба қуввати.

(1)-(4) масалалар бошланғич ва чегаравий шартлар билан берилган кўп ўлчовли хусусий ҳосилалар дифференциал тенглама бўлгани учун унинг аналитик кўринишдаги ечимини олиш қийиндир. Масалани ечимини топиш учун вақт бўйича иккинчи тартибли ошқормас чекли-айирмалар схемасидан фойдаланамиз ( $w - w_g < 0$  да

$$\frac{1}{2} \frac{\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i,j}^n}{\Delta t / 2} + \frac{1}{2} \frac{\theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i+1,j}^n}{\Delta t / 2} + \frac{1}{2} u \frac{\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta x} + \frac{1}{2} u \frac{\theta_{i,j}^n - \theta_{i-1,j}^n}{\Delta x} + (w - w_g) \frac{\theta_{i,j+1}^n - \theta_{i,j}^n}{\Delta z} + \sigma \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = \frac{\mu}{\Delta x^2} \left( \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} - 2\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} \right) + \frac{1}{\Delta z^2} \left( k_{j+0.5} \theta_{i,j+1}^n - (k_{j+0.5} + k_{j-0.5}) \theta_{i,j}^n + k_{j-0.5} \theta_{i,j-1}^n \right) + \frac{1}{2} \delta_{i,j} Q_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} \quad (5)$$

(5) тенгламанинг ҳадларини группалаш орқали қуйидагига эга бўламиз:

$$a_{i,j} \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - b_{i,j} \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + c_{i,j} \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = -d_{i,j}.$$

Бунда

$$a_{i,j} = \frac{u}{2 \cdot \Delta x} + \frac{\mu}{\Delta x^2}, \quad b_{i,j} = \frac{1}{\Delta t} + \frac{u}{2 \cdot \Delta x} + \sigma + \frac{2 \cdot \mu}{\Delta x^2}, \quad c_{i,j} = \frac{\mu}{\Delta x^2} - \frac{1}{\Delta t},$$

$$d_{i,j} = \frac{u}{2 \cdot \Delta x} \theta_{i-1,j}^n + \left( \frac{1}{\Delta t} - \frac{u}{2 \Delta x} + \frac{w - w_g}{\Delta z} - \frac{k_{j-0.5} + k_{j+0.5}}{\Delta z^2} \right) \theta_{i,j}^n - \frac{1}{\Delta t} \theta_{i+1,j}^n + \frac{k_{j-0.5}}{\Delta z^2} \theta_{i,j-1}^n + \left( \frac{k_{j+0.5}}{\Delta z^2} - \frac{w - w_g}{\Delta z} \right) \theta_{i,j+1}^n + \frac{1}{2} \delta_{i,j} Q_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}.$$

Атмосферада кидириляётган функция қийматини топиш учун вақт бўйича бутун кадам учун ( $w - w_g < 0$  бўлганда қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{1}{2} \frac{\theta_{i,j}^{n+1} - \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta t / 2} + \frac{1}{2} \frac{\theta_{i,j+1}^{n+1} - \theta_{i,j+1}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta t / 2} + u \frac{\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta x} + \frac{w - w_g}{2} \frac{\theta_{i,j+1}^{n+1} - \theta_{i,j}^{n+1}}{\Delta z} + \frac{w - w_g}{2} \frac{\theta_{i,j+1}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta z} + \sigma \theta_{i,j}^{n+1} = \quad (6)$$

$$= \frac{\mu}{\Delta x^2} \left( \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} - 2\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} \right) + \frac{1}{\Delta z^2} \left( k_{j+0.5} \theta_{i,j+1}^{n+1} - (k_{j+0.5} + k_{j-0.5}) \theta_{i,j}^{n+1} + k_{j-0.5} \theta_{i,j-1}^{n+1} \right) + \frac{1}{2} \delta_{i,j} Q_{i,j}^{n+1}.$$


(б) тенгламанинг ҳадларини группалаш орқали қуйидагига эга бўламиз:

$$\bar{a}_{i,j} \theta_{i,j-1}^{n+1} - \bar{b}_{i,j} \theta_{i,j}^{n+1} + \bar{c}_{i,j} \theta_{i,j+1}^{n+1} = -\bar{d}_{i,j},$$

бунда  $\bar{a}_{i,j} = \frac{k_{j-0.5}}{\Delta z^2}$ ,  $\bar{b}_{i,j} = \frac{1}{\Delta t} - \frac{w-w_g}{2\Delta z} + \sigma + \frac{k_{j-0.5} + k_{j+0.5}}{\Delta z^2}$ ,  $\bar{c}_{i,j} = \frac{k_{j+0.5}}{\Delta z^2} - \frac{1}{\Delta t} - \frac{w-w_g}{2\Delta z}$ ,

$$\bar{d}_{i,j} = \left( \frac{u}{\Delta x} + \frac{\mu}{\Delta x^2} \right) \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} + \left( \frac{1}{\Delta t} - \frac{u}{\Delta x} + \frac{w-w_g}{2\Delta z} - \frac{2\mu}{\Delta x^2} \right) \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \frac{1}{\Delta t} \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} + \left( \frac{1}{\Delta t} - \frac{w-w_g}{2\Delta z} \right) \theta_{i,j+1}^{n+\frac{1}{2}} + \frac{1}{2} \delta_{i,j} Q_{i,j}^{n+1}.$$

Худди шундай, дифференциал операторларни  $w - w_g > 0$  да аппроксимациялаймиз ва унга мос чегаравий шартларни чекли айирмаларга қўйсақ, натижада изланаётган ўзгарувчиларни топиш учун уч диагоналли алгебраик тенгламалар системасига эга бўламиз.




1-расм. Атмосферадаги ҳаво массасининг горизонтал тезлигига қараб атмосферада захарли моддаларнинг концентрациясининг ўзгариши


Ишлаб чиқилган сонли алгоритм асосида ЭХМда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун C++да дастурий восита тузилган. 1-4 расмларда ечилган масаланинг ҳисоблаш тажрибаларининг натижалари график кўринишда келтирилган.

ЭХМда амалга оширилган сонли ҳисоблашлар натижасидан кўринадики, атмосферадаги ҳаво массасининг горизонтал тезлиги ошиши билан ер устки қатламида захарли моддалар концентрацияси тарқалиш ҳудуди вақт буйича ортиб боради. Бу ҳолат айниқса шамол тезлиги  $u \geq 2.5$  м/с бўлганда сезилади (1, 2 расмлар).






a)



б)

2-расм. Атмосферада захарли моддаларнинг концентрациясининг ўзгариши а)  $u=1.5$  м/с ; б)  $u=2.5$  м/с бўлганда




3-расм. Атмосферада захарли моддаларнинг концентрациясининг ўзгариши захарли моддаларнинг ютилиш коэффициентига боғлиқлиги

Атмосферада захарли аэрозол зарраларининг тақсимланишига таъсир килувчи омиллардан бири – бу захарли моддаларни ютилиш коэффициенти  $\sigma$ . Захарли моддаларни ютилиш коэффициенти атмосфера ҳаво массасининг ҳолатига боғлиқ бўлиб кун ва йил давомида ўзгаради. Бу параметрга боғлиқ ҳолда атмосферада аэрозол зарраларнинг концентрацияси ўзгаради (3-расм).  $\sigma$  нинг ўсиши билан ер устки катламида захарли моддаларнинг концентрацияси камаяди.

Ўтказилган сонли ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, нам ҳавода 70% дан 80% гача захарли моддаларнинг концентрацияси атмосферада ютилади.

Ғани ҳисоблашлар турли қувватларга эга бўлган битта, иккита ва учта манбалар учун ўтказилди (4 расм). 4 - расмлардаги эгри чизиклардан кўринадики, вақт ўтиши билан атмосферада захарли моддаларнинг концентрацияси ўсади.



**4-расм. Атмосферада захарли моддаларнинг концентрациясининг атмосфера қатламининг баландлиги бўйича ўзгариши (захарли чикиндиларни чиқарувчи 3 та манба)  $t = 7.30$**

Ўтказилган сонли ҳисоблашлар таҳлили шуни кўрсатадики, вақт бўйича атмосферада захарли моддаларнинг концентрациясини ўзгариши биринчидан, манбалар сонига; иккинчидан, атмосфера ҳаво массасининг намлигига боғлиқ бўлган аэрозол зарраларнинг ютилиш коэффицентининг киймати; учинчидан, зарраларнинг вертикал чўкиш тезлигига боғлиқ.

Сонли тажрибалардан аниқландики, атмосферанинг ер устки қатламида аэрозол зарраларнинг горизонтал кўчиш жараёнига сезиларли равишда атмосфера ҳаво массасининг ҳаракатланишининг горизонтал тезлиги таъсир қилади.

Ўтказилган сонли ҳисоблашлардан кўринадики, атмосферада 70% дан 80% гача захарли моддалар концентрацияси ютилади, қачонки ҳаво массасининг намлиги 90% ва ундан кўп бўлса, ютилиш коэффиценти максимал киймат қабул қилади.

Ўтказилган сонли тажрибалар кўрсатадики, ҳудуд атмосферасининг санитар нормаларига сезиларли таъсир қилувчи асосий параметрлар бу – атмосфера ҳаво массасининг тезлиги, атмосферада захарли моддаларнинг ютилиш коэффиценти, ишлаётган манбалар сони ва уларнинг қуввати, координатлари, аэрозол зарраларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, шунингдек чизикли ўлчамлари.

Диссертациянинг учинчи боби «Атмосферада захарли моддалар диффузияси ва кўчиш жараёнини моделини такомиллаштириш» деб номланади ва учта параграфдан иборат.

Объектни математик моделлаштиришда асосий саволлардан бири масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини аниқлаш ҳисобланади. Ишда атмосферада аэрозол зарраларнинг диффузияси ва кўчиши масаласининг ечими мавжудлиги ва ягоналиги текширилган.

Ер юзидаги ўсимлик қоплами, ишлаб чиқариш объектлари, фуқаролик иншоотлари, ҳудуд рельефи ва бошқа орографик элементлар сезиларли

равишда шамолнинг йўналиши ва тезлигининг ўзгаришларига таъсир қилади, атмосферанинг чегара қатламида шамолнинг турбулент кўзғалишига олиб келади. Қаралган объектларга кўра, турбулент ҳаракатнинг кўзғалиш радиуси бир неча юз метргача бориши мумкин. Кўпинча ҳаво массасининг турбулент ҳаракатланиши тупроқ эрозиясига олиб келади ва атмосферага майда дисперс зарраларни чиқаради. Шу сабабли, атмосферадаги заҳарли моддаларнинг стационар ва ностационар манбаларига кўшимча равишда ернинг юзаси, муайян шароитларда заҳарли заррачаларнинг чиқиши учун генератор бўлиб хизмат қилади.

Атроф-мухитда аэрозолларни тарқалишини мониторинг қилишда, қаралаётган  $D$  соҳада аэрозол миқдорини башоратлашда ва текислик юзасига тушган аэрозол миқдорини аниқлашда тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган объектнинг кўп ўлчамли математик модели ишлаб чиқилди:

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} + u \frac{\partial \theta}{\partial x} + v \frac{\partial \theta}{\partial y} + (w - w_{\varepsilon}) \frac{\partial \theta}{\partial z} + \sigma \theta = \mu \Delta \theta + \frac{\partial}{\partial z} \left( k \frac{\partial \theta}{\partial z} \right) + Q \delta(x, y, z); \quad (7)$$

$$\theta(x, y, z, 0) = \theta_0(x, y, z); \quad (8)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = \gamma(\theta - \theta_a); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \gamma(\theta - \theta_a); \quad (9)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=0} = \gamma(\theta - \theta_a); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \gamma(\theta - \theta_a); \quad (10)$$

$$-k \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=0} = \gamma(\beta \theta - F_0); \quad (11)$$

$$k \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=H} = (\theta - \theta_a). \quad (12)$$

$z = H$  бўлганда баландликдаги манбага эга бўлаемиз ( $F_0 = 0$ ). Ердаги манбаларда  $F_0 \neq 0$  ( $Q = 0$ ).

Манба ер усти қатламида жойлашганда (5-расм), (7)-(12) масала  $D = (0 < x < L_x, 0 < y < L_y, 0 < z < H_z)$  соҳада қаралган. Ер устидаги атмосферани ифлословчи манбалар 5-расмда «крестиклар билан» белгиланган.

$F_0$  миқдор  $x, y, z, t$  ларга боғлиқ бўлган функция. Турбулентлик коэффициенти ҳам мос равишда метеорологик шароитларга боғлиқ ва қуйидаги ҳолатларни қараймиз:

1.  $k = const, u, v, w = const$

$$2. k = \begin{cases} v + k_1 \frac{z}{z_1}, & z \leq h, \\ v + k_1 \frac{h}{z_1}, & z > h, \end{cases} \quad v = |v| z^n;$$


3.  $k = k(z), v = v(z), w = w(z),$

бу ерда  $h$  – ер қатлами баландлиги,  $v$  – турбулентликнинг ёпишқоклиги.

Шамол тезлиги ва тупроқ намлиги атмосферада заҳарли моддаларнинг тарқалишига ва тупроқ эрозиясининг ривожланишига ҳар хил таъсир қилади.



Агар келаётган шамол оқими тезлигининг ошиши эрозия жараёнини кучайтирса, тупроқ намлигини ортиши эса уни камайтиради.



5-расм. Оролбўйи минтақасининг қуриган қисмдаги ер сатҳида жойлашган манбалар

К.М.Мирзажоновнинг ишида кўрилганидек ер усти қатламидаги манбани қуйидагича ифодалаш мумкун:

$$F_0 = f(u, w). \quad (13)$$

Бунда  $F_0$  – атмосфера фронти билан олиб кетиладиган зарраларнинг ҳажми, м<sup>3</sup>/с.

(13) функцияни қийматини аниқлаш учун тупроқни кўпорилишига ва бу кўпорилишга қарши ҳаракат қилувчи кучларни таҳлил қилишга ўтамиз. Бунинг учун кўпоровчи кучни  $F$  билан белгилаймиз. Унга ҳар доим қарши турувчи, таркибига тупроқнинг намлиги ва бошқа физик-механик хоссалари кирувчи қаршилик кучини  $R$  билан ифодалаймиз.

$F$  куч  $R$  кучдан устун бўлганда тупроқ эрозияси жараёни ва ер устидаги захарли зарраларнинг кўчиши бошланади. Назарий боғлиқликни топиш учун тенг кучли жараёни қараймиз. Динамик тенг кучлиликда  $F$  ва  $R$  кучларнинг айирмаси нолга тенг бўлиши керак, яъни

$$F - R = 0. \quad (14)$$

У ҳолда  $F_0$  олиб кетиладиган зарралар ҳажми билан оқим тезлиги орасидаги муносабатни қуйидагича ифодалаш мумкун

$$F = \frac{\partial F_0}{\partial u} \chi, \quad (15)$$

бу ерда  $\chi$  – уринма кучланиши, кг/м<sup>2</sup>.

Қаршилик кучи  $R$  учун  $F$  каби

$$R = c_0 \frac{\mu_c}{l} \frac{\partial F_0}{\partial \zeta} \quad (16)$$

ифодани оламиз, бунда  $\mu_c$  – аралашма ёпишқоқлиги (хаво + тупроқ), кг\*с/м<sup>2</sup>;  $l$  – алоҳида зарралар орасидаги масофа, м;  $c_0$  – тупроқ доимилик коэффициентини.

(15) ва (16) ларни (14) га ўрнига қўйсак қуйидагига эга буламиз

$$\frac{\partial F_0}{\partial u} - c_0 \frac{\mu_c}{l \chi} \frac{\partial F_0}{\partial \zeta} = 0 \quad \text{ёки} \quad \frac{\partial F_0}{\partial u} - k_r \zeta \frac{\partial F_0}{\partial \zeta} = 0.$$




Шундай қилиб, шамол тезлиги ва тупроқ намлигига боғлиқ бўлган ер сатҳидан кўчадиган зарраларнинг ҳажми тенгламаси олинди.  $F_0$  олиб кетиладиган зарралар ҳажми ҳисобланган натижаларига кўра, атмосферада заҳарли чиқиндиларни кўчиши ва диффузияси масаласини (11) чегаравий шартлар билан ечиш мумкун.


(7)-(12) масалалар бошланғич ва чегаравий шартлар билан берилган кўп ўлчовли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама бўлгани учун унинг аналитик кўринишдаги ечимини олиш қийиндир. Масалани ечимини топиш учун вақт бўйича иккинчи тартибли ошқормас чекли-айирмалар схемасидан фойдаланилган.

**Диссертация ишнинг тўртинчи бобида** саноат худудларининг ҳаво бассейнинларини мониторинг ва башорат қилиш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, самарали сонли алгоритмлар асосида дастурий таъминот яратилди ва у ёрдамида ЭХМларда ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.


Компьютер мониторида атмосферада аэрозолларни динамик тарқалишини об-ҳаво, худуд орографияси, ер устки қатламнинг характеристикаси ва жараёнга таъсир қилувчи бошқа омилларга боғлиқ ҳолда кузатиш имконини берадиган дастурий комплекс «EcoMonitoring ver\_1» ишлаб чиқилди.

«EcoMonitoring ver\_1» дастурий комплекс асосида сонли ҳисоблашлар амалга оширилган, олинган натижалар 6- расмда кўрсатилган.





б)



в)

б-расм. Азот диоксидаининг ўзгариш концентрацияси а) №1 объектдан шамол тезлиги 2 м/с ва башорат вакти  $t=1$  соат; б) №1 объектдан шамол тезлиги 4 м/с, шамол йўналиши 135° ва башорат вакти  $t=2$  соат; в) бешта манбадан шамол тезлиги 3 м/с бўлганда, шамол йўналиши 225° ва башорат вакти  $t=2$  соат



Дастурий комплекс қаралаётган ҳудуднинг экологик ҳолатини мониторинг ва башорат қилиш ҳамда янги саноат объектларини оптимал жойлаштириш мақсадида ишлатилиши мумкин.

Яратилган дастурий таъминот ёрдамида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Сонли ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, кўчиш ва диффузия жараёни метеорологик шароитларга, зарраларнинг хоссаларига нисбатан сезиларли равишда ҳамда турбулентлик коэффициентининг тақсимланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Оролбўйининг қуриган қисмида чанг ва тузни тарқалишини башоратлаш учун 3-моделдан фойдаланамиз. Сонли тажрибалар давомида аниқландики, манбалар жанубий Оролбўйининг қуриган қисмининг шимоли-шарқида ёки қуриган майдоннинг ўрта қисмида жойлашганда кучсиз стабил бўлмаган стратификацияда, шамол шимолдан эсганда – аэрозол Нукус шахригача етиб бормаганлиги, шамол шимоли-шарқдан эсганда Нукусга етганлиги аниқланди.

Манбалар шимоли-шарқий қисмда жойлашганда Нукусга тушган аэрозол миқдори  $5 \cdot 10^{-8}$  г/м<sup>2</sup> га, манбалар ўрта қисмида жойлашганда  $15 \cdot 10^{-8}$  г/м<sup>2</sup> га тенг бўлди.

Ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари кўрсатдики, тупроқ ер усти қатламидан майда дисперс зарраларининг кўчиш ҳажмига сезиларли равишда қуйидагилар таъсир қилади:

а) ер юзасида шамолнинг ташкил этувчилари, бу параметрнинг ўсиши билан атмосферадаги аэрозол зарраларининг кўчиш ҳажми экспоненциал кўринишда ўсди;

б) тупроқ намлиги, бу параметрнинг ўсиши билан атмосферага захарли моддаларнинг ташланиши кескин камайди;

с) ер ғадир-будирлигининг коэффициентига нисбатан ўзгарди.

## ХУЛОСА

«Тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда атмосферада захарли моддалар тарқалишини башорат қилишнинг математик моделини ва ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш» мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқотининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Саноат ҳудудлари атмосферасининг экологик ҳолатини мониторинг ва башорат қилиш учун ахборот модели яратилди, унинг атмосфера, сув ва тупроғини ифлослантирувчи асосий потенциал манбаларнинг таҳлили келтирилган, шунингдек ҳавони ифлослантирувчи асосий моддаларнинг батафсил тавсифи, уларнинг физик-кимёкий хоссалари ўрганилган ва булар объектни тўғри акслантирувчи математик моделларни ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

2. Атмосферада заҳарли аэрозол зарраларининг тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш учун муаммо ҳолати, уни ечиш йўллари батафсил таҳлил қилинди ва конструктив тизимли методология ишлаб чиқилди.

3. Тадқиқот объектининг математик моделини яратиш учун атмосферада заҳарли моддаларнинг диффузияси ва кўчиш жараёнида саноат худудларининг экологик ҳолатига асосий об-ҳаво омилларининг таъсири батафсил ўрганилди.

4. Тадқиқот объектига об-ҳаво ҳамда бошқа факторларни таъсирини ҳисобга олган ҳолда атмосферанинг чегара қатламида тарқалаётган заҳарли моддаларнинг концентрация миқдорини ҳисоблаш имконини берадиган сонли модел ишлаб чиқилди.

5. Атмосферада аэрозол заррачаларнинг тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш учун уларни кўчиши ва диффузияси масаласининг ечимини мавжудлиги ва ягоналиги текширилди.

6. Тупроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда атмосферада майда дисперс заррачаларнинг диффузияси ва кўчиш жараёнини математик модели ва масаланинг ечими учун сонли алгоритмлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган модел ва ҳисоблаш алгоритми қаралаётган худуднинг экологик ҳолатини башоратлаш ва зарур чораларни кўриш имконини беради.

7. Ишлаб чиқилган математик модел, сонли алгоритмлар асосида ЭХМда ҳисоб тажрибалари ўтказилди ва ҳисоблаш натижаларини таҳлили шунини кўрсатдики, атмосферада аэрозол зарраларни ёйилишига ер устки қатламидаги атмосферанинг ҳаво массасини тезлиги таъсир қилиши аниқланди. Ер сатҳининг пастки қатламларида шамол тезлигининг ўзгариш динамикасига ернинг ғадир-будурлик коэффиценти сезиларли таъсир қилади. Шунингдек, ҳисоблашлар натижаларидан аниқландики, аэрозол зарраларни чўкиш тезлигида турбулентлик коэффиценти муҳим рол ўйнайди ва у вертикал бўйича чизикли қонуният асосида ўсганлиги аниқланди. Бу натижалар башоратлаш аниқлигини 10-13% га оширди.

8. Ҳисоблашлар натижаларидан аниқландики, атмосферанинг ер устки қатламида аэрозолли зарраларни горизонтал кўчиш жараёнига атмосферанинг ҳаво массаси горизонтал тезлиги сезиларли таъсир қилади. Ўтказилган сонли ҳисоблашлар кўрсатдики, динамик ишқаланишнинг ошиши билан вертикал йўналишдаги шамол тезлиги пропорционал равишда ўсади, ер ғадир-будирлиги коэффицентининг ўсишидан эса шамол тезлигининг горизонтал ташкил этувчиси пропорционал равишда камаяди. Бу эса тадқиқот натижаларини амалга оширишдан қутилган ижтимоий ва иқтисодий самара худуднинг экологик ҳолатини башорат қилиш аниқлигини 11-13% га оширға хизмат қилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШТЕМИРОВА НАДИРА НЕМАТИЛЛАЕВНА**

**РАЗРАБОТКА МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ И ЧИСЛЕННЫХ  
АЛГОРИТМОВ ДЛЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА  
РАСПРОСТРАНЕНИЯ ВРЕДНЫХ ВЕЩЕСТВ В АТМОСФЕРЕ С  
УЧЕТОМ ЭРОЗИИ ПОЧВЫ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/Т195.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Равшанов Нормухмад**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кабулов Анвар Восилович**  
доктор технических наук, профессор  
**Джуманов Жамолжон Худойкулович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится 25 сентября 2019 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Т.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Ташкентский университет информационных технологий. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 1587). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан 23 сентября 2019 года.

(реестр протокола рассылки № 14 от 27 сентября 2019 года.)



**Р.Х.Хамдамов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**А.М.Полатов**  
Заместитель председателя научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии(PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется созданию математических моделей, эффективных численных алгоритмов и программных комплексов, связанных с процессами переноса и диффузии вредных веществ в атмосфере, выбрасываемых из объектов производства и транспортных систем. Математические модели, разработка вычислительных алгоритмов и создание программных средств для мониторинга и прогнозирования загрязнения атмосферы промышленных регионов имеют важное значение в таких развитых странах мира, как Германия, Великобритания, Финляндия, Российская Федерация, Индия и др.

В мировых высших учебных заведениях и передовых научно-исследовательских центрах ведутся научные исследования, направленные на создание адекватных математических моделей для процесса распространения вредных веществ в атмосфере, на разработку алгоритмов и систем программного обеспечения для расчёта количества концентрации загрязнителей воздуха, на проведение вычислительных экспериментов для исследования процесса переноса и диффузии аэрозольных частиц, а также на исследование полученных результатов. В этом направлении, в частности, особое внимание уделяется таким аспектам, как разработка математических моделей процесса распространения вредных веществ в приземном атмосферном пограничном слое с учетом природных и климатических факторов, создание программных комплексов, позволяющих определить оптимальное, с точки зрения экологии, размещение объектов и визуализацию результатов расчетов с учетом наибольшей допустимой концентрации вредных веществ.

В нашей Республике наряду с развитием отраслей производства проводится ряд широкомасштабных исследований по возможным нарушениям экологического баланса в промышленных регионах и разработке математических моделей и численных алгоритмов по мониторингу и прогнозированию процессов распространения вредных веществ в атмосфере, выбрасываемых предприятиями в окружающую среду. В стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены такие задачи, как «... регулирование экологического баланса и рациональное использование природных ресурсов в условиях устойчивого развития ... обеспечение качества охраняемых природных территорий, объектов животного мира и защиты от антропогенного воздействия»<sup>1</sup>. При реализации этих задач важными вопросами являются разработка интегрированных вычислительных алгоритмов и автоматизированных систем для мониторинга и прогнозирования процесса распространения вредных веществ в атмосфере с учётом эрозии почвы на основе современных информационных технологий.

Полученные результаты проведенных исследований в диссертационной

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».



работе вносят определённый вклад в претворение в жизнь указов высших органов государственной власти РУз, в том числе: Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5024 от 21 апреля 2017 года «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 310 от 23 мая 2017 года «Об утверждении Положения о Государственном комитете Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV - «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Обзор научных публикаций за последние годы показывает, что в перечне актуальных задач, решаемых с помощью математического моделирования, вопросы экологии занимают особое место. Научные исследования, направленные на разработку математических моделей и вычислительных алгоритмов для систем мониторинга и прогнозирования загрязнения атмосферы промышленных регионов, проводятся в передовых научных центрах и высших учебных заведениях мира, в число которых входят Karlsruhe Institute of Technology, Institute of Applied Geosciences (Германия), Centre for Ecology and Hydrology, Centre for Water Science (Великобритания), Finnish Meteorological Institute (Финляндия), National Institute of Hydrology, Waterloo Hydro Geologic (Индия), Институт атмосферы физики им. А.М.Обузова, Институт вычислительной математики и математической геофизики (Россия), Научно-исследовательский и проектно-технологический институт «Атмосфера», Национальный университет Узбекистана, Ташкентский университет информационных технологий и др.

Фундаментальные аспекты методологии математического моделирования процесса переноса и диффузии вредных мелкодисперсных частиц и углекислых газов в атмосфере сформулированы в работах Р.И.Оникула, Н.Л.Бызовой, Ю.А.Анохиной, М.Е.Берлянда, академика С.А.Солодкова, Е.Л.Гениховича, Т. Iversen, Т.Е. Nordeng, R. Lange, M. Pekar и др.

В работах М.Л.Арушанова и его учеников проведены подробные исследования, связанные с процессами выноса соле-пылевых частиц из осушённой части Аральского региона.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнена в рамках НИР

Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий и Института математики АН РУз, в частности, по проектам: ЕА7-001 «Разработка эффективных вычислительных алгоритмов и программного средства для мониторинга и прогнозирования экологического состояния промышленных регионов» (2014-2015); А-5-12 «Разработка математического обеспечения мониторинга и прогнозирования экологического состояния промышленных регионов» (2015-2017); БВ-Атех-2018-9 «Разработка моделей, распределённых вычислительных алгоритмов и программных обеспечений для решений задач охраны атмосферы и водных ресурсов от техногенных факторов»(2018-2020).

**Цель исследования** заключается в разработке и усовершенствовании математических моделей, вычислительных алгоритмов и программных средств для мониторинга и прогнозирования экологического состояния промышленных регионов.

**Задачи исследования:**

создание информационной модели для мониторинга и прогнозирования экологического состояния атмосферы промышленных регионов, изучение физико-химических свойств загрязнителей воздуха и исследование влияний основных погодных-климатических факторов на экологическое состояние промышленных регионов;

разработка математической модели для мониторинга и исследования процесса распространения вредных аэрозольных частиц в пограничном слое атмосферы;

математическое моделирование процесса переноса и диффузии мелкодисперсных частиц в атмосфере с учётом эрозии почвы;

исследование существования и единственности решения задачи переноса и диффузии аэрозольных частиц в атмосфере;

разработка численных алгоритмов для решения задач распространения вредных аэрозольных частиц в атмосфере и программных средств для проведения вычислительного эксперимента на ЭВМ.

**Объектом исследования** являются процесс переноса вредных веществ и мелкодисперсных частиц в атмосфере, выбрасываемых из промышленных объектов и других источников загрязнения, и их диффузия.

**Предмет исследования** – математические модели, вычислительные алгоритмы и программные средства для проведения вычислительного эксперимента на ЭВМ.

**Методы исследования.** В процессе исследования применяются методы вычислительной математики, математического и компьютерного моделирования и вычислительного эксперимента, а также способы технологии программирования для разработки программных продуктов.

**Научная новизна исследования:**

разработана математическая модель для мониторинга и исследования процесса распространения вредных аэрозольных частиц в пограничном слое



атмосферы на основе основных законов гидромеханики;

